

Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан 2023 йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда 2024 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Агентлик томонидан **51 турдаги** тест синовлари ўтказилиб, уларда **1,5 млн. нафардан** ортиқ талабгор иштирок этди. Жумладан:

I. Давлат олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим йўналишларига қабул қилиш бўйича:

Республика бўйича **72 та катта сиғимли бино** танлаб олиниб, мазкур бинолар маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда тест синовларига тўлиқ тайёрланди. Тест синовлари **13 кун** давомида, кунлик икки сменада ўтказилди. Бунда бир сменада **38 220 нафар**, бир кунда эса **76 440 нафар** абитуриент тест синовида иштирок этди.

Тест синовларини ўтказишга **72 нафар** бино раҳбари, **2 936 нафар** гуруҳ назоратчиси, эшитиш ва нутқида нуқсони бўлган абитуриентларни сурдотаржимон хизматлари билан таъминлаш учун **125 нафар сурдотаржимон** жалб этилди.

Тест синови ўтказиладиган бинолар **38 220 ўринли** стол-стул, **1 605 та** видеокузатув (**115 та** шахсни идентификация қилувчи, **97 та 360 градусли** айланма ва **1 393 та** стационар) камералар билан жиҳозланди.

Тадбир давомида жамоат тартибини сақлаш учун жами **2 532 нафар** (шундан **1 233 нафар** Ички ишлар вазирлиги, **992 нафар** Миллий гвардия ва **288 нафар** Фавқулодда вазиятлар вазирлиги) ходимлари ва ҳарбий хизматчи жалб этилди.

Тест тадбири ўтказилиши белгиланган объектларга **62 та** тез тиббий ёрдам кўрсатиш автоэкипажларида **209 нафар** тиббиёт ходими жалб этилди.

Тест синовларида **948 486 нафар** абитуриентдан **887 867 нафари** ёки **93,6 фоизи** қатнашди. **60 619 нафар** ёки

6,4 фоиз абитуриент тест синовига келмади. **67 нафар** абитуриент худудга киришда, **81 нафар** абитуриент имтихон жараёнида тест синовлари тартиб-қоидаларини бузганлиги сабабли четлатилди.

Тест синовлари тўлиқ видеокузатув остида ўтказилди ҳамда **реал вақт режимида** Интернет тармоғи орқали абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун **test2023.uz** сайти ва **“Viasat Explore”** телеканали орқали **онлайн трансляция** қилинди.

Абитуриентларга тест синовида фойдаланиш учун “Кимёвий элементлар даврий жадвали”, физика фанидан “Доимий физик катталиклар ва шартли белгилашлар жадвали” ҳамда кимё, физика ва математика фанларидан асосий формулалар жадваллари берилди.

Тест синовларида барча абитуриентлар алоҳида **сув** ва **ручка** билан таъминланди.

Абитуриентларнинг тест синовида **тўплаган баллари тест синови ўтказилган куннинг эртаси кuni** уларнинг шахсий кабинетига эълон қилиб борилди. Бунда абитуриентнинг жавоблар варақаси рангли сканер қилиниб, қайси саволларга тўғри, қайсиларига нотўғри жавоб берилгани акс этган ҳолда абитуриентнинг шахсий кабинетига жойлаштирилди.

Шунингдек, абитуриентлар **mandat.dtm.uz** сайти орқали бошқа абитуриентларнинг ҳам натижаларини кузатиб боришди.

Тест натижаларига кўра олий таълим муассасалари бакалавриатига умумий қабул параметрлари доирасида давлат гранти асосида **42,6 минг нафар (22%)**, тўлов-контракт асосида **150,7 минг нафар (78%)**, жами **193,3 минг нафар** абитуриент талабаликка тавсия этилди.

Абитуриентларнинг **193 мингдан** зиёди умумий қабул параметрлари доирасида талабаликка тавсия этилган бўлса, **13,5 мингдан** зиёди имтиёзга эга абитуриентлар учун ажратилган қўшимча қабул параметрлари доирасида талабаликка тавсия этилди. Жумладан, имтиёзга эга бўлиб, талабаликка тавсия этилган абитуриентларнинг:

3,5 минг нафарини ногиронлиги бўлган шахслар;

261 нафарини “Меҳрибонлик” уйи, Болалар шаҳарчаси битирувчилари бўлган ҳамда васийликка, ҳомийликка ёки оилага тарбияга олинган (патронат) етим болалар;

4,2 минг нафарини ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлганлар;

2,1 минг нафарини ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари;

720 нафарини ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандлари;

2,2 минг нафарини эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизлар ташкил этди.

II. Профессional таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича:

2023/2024 ўқув йили қабулида профессионал таълим муассасаларига ўқишга кириш учун **175 853 нафар** абитуриент онлайн рўйхатдан ўтди. Улардан **140 868 нафари** кундузги, **6 093 нафари** сиртқи, **28 648 нафари** кечки ва **243 нафари** дуал таълим шакллари бўйича рўйхатдан ўтган.

Кундузги таълим шаклида ўқиш истагида бўлган **132 695 нафар** абитуриент учун тест синовлари ташкил этилиб, улардан **87 758 нафари** ёки **66,1 фоизи** тест синовларида иштирок этди, **44 937 нафар** ёки **33,9 фоиз** абитуриент тест синовларига келмади. **30 нафар** абитуриент тест синовлари тартиб-қоидасини бузганлиги сабабли тест синовларидан четлаштирилди.

Тест синовлари республика бўйича жами **61 та объектда** кунлик икки сменада ўтказилди.

Абитуриентларга тест синовини топшириш тартиби бўйича амалий ёрдам кўрсатиш учун **64 нафар** бино раҳбари ва **1 410 нафар** гуруҳ назоратчиси жалб этилди.

Жараённи абитуриентларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда беталафот ўтказиш учун Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва соғлиқни сақлаш тизимидан масъул ходимлар жалб этилди.

Тест синови натижалари тест синови ўтказилган куннинг эртаси куни уларнинг шахсий кабинетида эълон қилиб борилди. Якуний танлов натижаси эса тест синовлари тўлиқ якунлангандан кейин **уч кун ичида** эълон қилинди.

III. Тест топшириқлари базасини шакллантириш бўйича:

15 та умумтаълим фанидан **103 146 та**, **110 та** махсус фандан **34 226 та** ва миллий сертификат бериш учун **9 та** умумтаълим фанидан (математика, физика, кимё, биология) **1 485 та** тест топшириғи шакллантирилди ва экспертизадан ўтказилди.

IV. Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизими бўйича:

9 та умумтаълим фани (биология, кимё, математика, физика, тарих, география, ўзбек тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёт ҳамда қорақалпоқ тили тили ва адабиёт)дан миллий сертификат бериш бўйича **41,7 минг нафар** талабгор учун тест синовлари ўтказилди.

Тест синови натижаларига кўра сертификат талабини бажарган **17 минг нафар** талабгорга умумтаълим фанини билиш даражаси бўйича миллий сертификат берилди.

V. Чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича:

16 та чет тилидан **4 та** кўникма бўйича **151,8 минг нафар** талабуорнинг чет тилини билиш даражаси баҳоланди. Бу **2022 йил** (**56,7 минг нафар**)га нисбатан **95,1 минг нафарга** ёки **уч баробарга яқин** ошганини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, академик лицейларнинг **4,8 минг нафар** битирувчиси, хорижий тиллар бўйича мутахассисларни тайёрлашга ихтисослашган **8 та** олий таълим муассасасига хужжат топширган **12,3 мингга** яқин абитуриентнинг чет тилини билиш даражаси аниқланди.

Тест синови натижаларига кўра сертификат талабини бажарган **89,2 минг нафар** талабгорга чет тилини билиш даражаси бўйича миллий сертификат тақдим этилди.

Шунингдек, чет тилини билиш даражасини баҳолаш

имтиҳонларидаги очик турдаги тестларни текширишни онлайн тарзда амалга ошириш йўлга қўйилди.

Агентлик томонидан инглиз тили бўйича тақдим этилаётган миллий сертификат Туркиянинг **4 та** университети (Kıpr Fanlar Universiteti, Istinye Universiteti, Antalya Bilim Universiteti, Beykoz Universiteti) томонидан тан олинди.

VI. Раҳбар кадрлар ҳамда масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича:

Раҳбар кадрлар ва масъул лавозимларга тайинланадиган шахсларнинг давлат тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича **1 425 нафар** талабгор тест синовидан ўтказилди ва тест синови натижаларига кўра жами **529 нафар** талабгорга электрон шаклда сертификат тақдим этилган.

VII. Хорижий давлатда таълим олганлик ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш ҳамда таълим ва фан соҳасига оид ташкилотлардан чиқадиган ҳужжатларга апостиль қўйиш:

Хорижий давлатда таълим олганлик ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича ҳисобот даврида **4 323 та** таълим ҳужжати кўриб чиқилди ва улардан **1 660 таси** (**1 327 та** ҳужжат тўғридан-тўғри, **333 та** ҳужжат тест синови натижасига кўра) тан олиниб, тегишли гувоҳнома расмийлаштирилди.

Экспертиза хулосаси асосида **1 610 та** ҳужжатни тан олиш рад этилди.

Таълим ва фан соҳасига оид ташкилотлардан чиқадиган (ўрта махсус, олий ва олий таълимдан кейинги таълим) ҳужжатларга апостиль қўйиш учун **19 646 та** ҳужжат келиб тушган бўлиб, уларнинг **18 745 тасига** апостиль қўйилди, **901 тасига** апостиль қўйиш рад этилди.

VIII. Ўтказилган бошқа тадбирлар:

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига қабул қилиш бўйича **651 нафар** талабгор;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни тугатаётган ҳарбий хизматчининг жанговар тайёргарлиги ва маънавий-маърифий билимини аниқлаш бўйича **24 368 нафар** ҳарбий хизматчи;

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси "Тергов фаолияти" бакалавриат таълим йўналишига ўқишга қабул қилиш бўйича **2 925 нафар** талабгор;

2023/2024 ўқув йилида Президент мактабларига қабулнинг 1-босқичи учун **56 745 нафар** ўқувчи;

Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтига ўқишга қабул қилиш учун **542 нафар** талабгор;

олий таълим муассасаларининг академик лицейларига ўқишга қабул бўйича **33 827 нафар** ўқувчи;

хорижий ва нодавлат таълим ташкилотларидан давлат олий таълим муассасаларига ўқишини кўчириш истагида бўлган **43 616 нафар** талабгор;

ҳарбий-академик лицейларга ҳамда Тошкент давлат юридик университетининг академик лицейига ўқишга қабул қилиш бўйича **16 665 нафар** ўқувчи;

Жамоат хавфсизлиги университети, Фуқаро муҳофазаси институти, Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Судялар олий мактабининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш бўйича **3 682 нафар** талабгор;

Ўзбекистон мусулмонлар идораси тизимидаги ўрта махсус билим юртлари ва олий ўқув юртига ўқишга қабул қилиш бўйича **7 358 нафар** талабгор;

хорижий давлатларда таълим олганлик ҳақидаги ҳужжатларни тан олиш бўйича **2 046 нафар** талабгор;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академиясига ва Қуролли Кучлар академиясининг "Психология (ҳарбий психология) таълим йўналишига ўқишга қабул бўйича

174 нафар талабгор;

Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларига тавсиянома бериш бўйича **397 нафар** номзод;

2023/2024 ўқув йили учун Республика тиббиёт ташкилотларининг клиник ординатурасига қабул қилиш бўйича **4 742 нафар** талабгор;

“Эл-юрт умиди“ жамғармасининг **2023 йилги 1-2-очиқ** стипендия танлови бўйича **1 354 нафар** номзод;

Тошкент шаҳридаги Пучон университети ва Қўқон университетига ўқишга қабул қилиш бўйича **1 514 нафар** абитуриент;

50 дан ортиқ олий таълим муассасасининг иккинчи босқич қўшма таълим дастурларида ўқитиш олиб бориладиган йўналишларига қабул қилишда чет тиллари бўйича **3 500 нафардан** ортиқ талабгор;

2024/2025 ўқув йилида Амир Темур номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат хавсизлик хизмати академиясига ўқишга қабул қилиш бўйича **4 173 нафар** талабгор;

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик вазирлиги ҳузуридаги Компетенцияни ривожлантириш институтининг **95 нафар** тингловчиси;

“Маҳаллабай ишлаш тизимини янада кучайтириш” юзасидан ўтказилган ўқув-амалий семинар якунлари бўйича **1 300 дан** ортиқ шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарлари;

311 нафар республика ижро этувчи ҳокимият органли, тижорат банклари ва хўжалик бирлашмаларининг биринчи раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари учун тест синовлари ўтказилди.

IX. Тест синовларини йил давомида ўтказиш учун катта сиғимли бинолар қурилиши бўйича.

Наманган ва Хоразм вилоятларида **1 200 ўринли** бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қурилиш ишлари - Қорақалпоғистон Республикасида **90 фоизга**, Андижонда **85 фоизга**, Самарқандда **85 фоизга**, Сирдарёда

90 фоизга, Сурхондарёда **85 фоизга**, Жиззахда **35 фоизга**, Фарғона, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятларида **10-15 фоизга** бажарилган.

Тошкент шаҳрида қурилиш учун **ер майдони ажратилмаган**.

2024 йилда амалга ошириладиган устувор вазифалар ва кутилаётган натижалар.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган **25 минг нафарга яқин** ҳарбий хизматчи учун Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ўқишга киришга тавсияномалар бериш бўйича тест синовлари ўтказилади.

Абитуриентларда тест материаллари билан ишлаш кўникмасини шакллантириш мақсадида намунавий тест топшириқлари асосида **150 мингга яқин** талабгорлар учун **диагностик** тест синовлари ўтказилади.

Тест синовларини ўтказишда кенг жамоатчилик орасидан гуруҳ назоратчиси сифатида жалб этиладиган **6 000 нафарга яқин** номзоднинг малакаси оширилади.

9 та умумтаълим фанидан миллий сертификат бериш бўйича **50 минг нафарга яқин** талабгор учун тест синовлари ўтказилади.

150 минг нафарга яқин талабгорга **15 та** чет тилидан **4 та** кўникма бўйича **миллий сертификатлари** бериш учун тест синовлари ўтказилади.

2 000 нафарга яқин раҳбар кадрлар ва масъул лавозимларга тайинладиган шахсларнинг давлат тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича тест синовлари ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси бакалавриатига ўқишга қабул қилиш бўйича **3 минг нафарга яқин** абитуриент учун махсус психологик танлов ва ёзма имтиҳонлар ўтказилади.

Юриспруденция соҳасида сиртқи таълим шаклига ўқишга кириш учун тавсиянома олишга давогар **500 га нафарга яқин**

профилактика (катта) инспекторлари учун тест синовлари ўтказилади.

Ички ишлар органларида хизматга номзодларни қабул қилиш учун **5 минг нафарга** яқин номзод учун тест синовлари ўтказилади.

8 минг нафарга яқин қурилиш соҳаси мутахассисларига сертификат бериш бўйича тест синовлари ўтказилади.

5 минг нафардан ортиқ академик лицей битирувчисининг **4 та кўникма** бўйича чет тилини билиш даражаси баҳоланади.

15 та умумтаълим фанидан **45 000 га яқин**, қардош тиллардан **9 000 дан ортиқ**, шарқ тиллари ҳамда испан ва итальян тилларидан **4 000 дан ортиқ**, **35 та** махсус фандан **17 000 дан ортиқ** тест топшириғи шакллантирилади ва экспертизадан ўтказилади.

15 та умумтаълим фанидан ва интеллектуал қобилият даражасини аниқлаш бўйича **1 320 та** намунавий тест топшириғи апробациядан ўтказилади.

“Давлат фуқаролик хизматчиси” тест саволлари тўпламини ишлаб чиқиш ва янгилаб бориш юзасидан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда **4 та фандан** тест топшириғи шакллантирилади;

классик ва замонавий тест назариялари асосида **150 га яқин** тест вариантларининг **статистик таҳлили** амалга оширилади ва эълон қилинади.